2016 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА


Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 251 (13.314)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЁШЛАР БОШ ҚОМУСИМИЗНИ ЎРГАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Адлия вазирликлари ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзуида видеоконференция ўтказилди.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсларини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган тадбирда профессор-ўқитувчилар, ҳуқуқшунос олимлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари И.Мажидов ва бошқалар мамлакатимизда таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ҳуқуқий таълимни янада такомиллаштириш, ўғил-қизларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда таълимнинг барча босқичида ўқувчи ва талаба ёшларга Конституцияни ўргатиш мақсадида махсус фанлар, ўқув курслари жорий этилган. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ўқув курсларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг Бош қомусимизнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги тутган ўрни ва роли тўғрисида билимларини бойитиш, фуқаролик бурчини ҳис қилиш, қонунга риоя қилишни шакллантиришдан иборат.

– Конституциямиз барча таълим муассасаларида ёшларга изчил ва пухта ўргатилмоқда, – дейди Тошкент давлат юридик университети доценти, юридик фанлари номзоди Ҳайдарали Муҳаммадов. – Таълим жараёнида ёшларимизнинг Бош қомусимиз билан кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатлари, бурч ва мажбуриятлари кенг тушунтирилмоқда. Бу борада профессор-ўқитувчиларнинг билим ва малакалари мунтазам ошириб борилмоқда.

Семинарда мамлакатимиз Асосий қонунида ҳар бир фуқаронинг бепул умумий таълим олиш ҳуқуқи белгилаб қўйилгани ва истиқлол йилларида таълим сифати ҳамда мазмунини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар салмоқли натижалар бераётгани, ўсиб келаётган ёш авлод соҳани янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши, бу борада барча зарур шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" курсларини янада такомиллаштириш, талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

ЎзА

ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ЖАРАЁН

Тошкентда "Хотин-қизларнинг сайловлардаги иштироки" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирга ҳуқуқшунослар, олимлар, экспертлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, нуроний онахонлар, талаба-ёшлар, уй бекалари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга доир тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида жойларда туркум давра суҳбатлари, учрашувлар, мулоқотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари, бошланғич ташкилотлари томонидан юртимиздаги кўплаб таълим масканлари, маҳаллалар, меҳнат жамоаларида миллий сайлов тизимининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга доир тадбир ва анжуманлар, учрашувлар ташкил этилмоқда. Маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида "Мен сайловда шахсан ўзим иштирок этаман", "Бизнинг оиламизда ҳар бир шахс ўз овозига эга", "Ҳар бир фуқаро фақат ўзи учун овоз беради" каби шиорлар остида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир тадбирлар ҳаётий ва таъсирчан мисолларга бой тарзда ўтмоқда.

– Сайлов мамлакат тараққиёти, унинг келажаги, истиқболини белгилашдаги муҳим сиёсий жараён эканини опа-сингилларимиз теран англаши ҳар бир мулоқотлар, тарғибот тадбирлари давомида яққол намоён бўлмоқда, – дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова. – Туманимиздаги 79 сайлов участкасида ишлар қизғин кечмоқда. Фуқароларнинг овоз бериш жараёнида иштирок этиши учун барча шароит яратилган.

Шайхонтоҳур туманида 207 минг 800 сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, улардан 114 минг 300 нафарга яқини хотин-қизлар. Биринчи марта сайловда иштирок этувчи ёшлар 3 минг 260 нафар бўлиб, улардан 1 минг 765 нафари қизлардир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар юзасидан ҳамда Президент сайловининг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни, ҳар бир сайловчининг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг овози Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этиши ҳақида сўз юритилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА

Сайлов – 2016

ХИТОЙ ЭЛЧИСИ:

"ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МАМЛАКАТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ЖАМИЯТ ЖИПСЛАШУВИНИНГ ЯҚҚОЛ МИСОЛИ БЎЛАДИ"

2016 йил 4 декабрь куни Ўзбекистон халқи давлат раҳбарини сайлайди. Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа арафасида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе "Жаҳон" ахборот агентлиги учун эксклюзив интервью берди.

– Элчи жаноблари, Хитойнинг Тошкентдаги дипломатия миссияси раҳбари сифатида Сиз Ўзбекистонни яхши биласиз, республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кечаётган жараёнлардан яхши хабардорсиз. Шу боис олдинда турган Президент сайлови ва унинг Ўзбекистон келажаги учун аҳамияти тўғрисидаги фикрларингизни билишни истар эдик.

– Давлат раҳбари учун овоз бериш Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиши билан бирга, даврнинг мамлакат ривожланишидаги аҳамиятли босқичи ҳисобланади. Унинг натижалари давлатни янада модернизациялаш бўйича кенг қамровли ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилайди.

Шуниси қувонарлики, сайловга тайёргарлик жараёни қонунчиликка қатъий риоя этилиши асносида очиқлик ва ошкоралик муҳитида кечмоқда. Аҳолининг аксарияти олдинда турган воқеанинг муҳим аҳамиятини ҳамда овоз беришда қатнашиш зарурлигини теран англагани баробарида, республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта фаолликни, юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятни намоён этаётир.

Шубҳа йўққи, сайловлар қонунийлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтади ҳамда мамлакат фаровонлиги йўлида жамият жипслашувининг яққол мисоли бўлади. Хитой томони ўзбек халқини ўзининг мустақил тараққиёт йўлида бундан кейин ҳам қатъий қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун мамлакатимизга хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари келмоқда.

САЙЛОВ ЮКСАК САВИЯДА ЎТИШИГА ИШОНАМИЗ

ЎзА мухбири сайлов жараёнини ёритиш учун келган хорижлик журналистларнинг фикрлари билан қизиқди.

Роберт ФРАНЦЕВ, Россия-1 ва Россия-24 телеканаллари журналисти:

– Касбим тақозоси билан Ўзбекистон журналистларининг фаолиятини кузатиб бораман. Мамлакатингиз фуқаролари сайлов қонунчилигидан, Президентликка номзодлар ҳақидаги маълумотлардан яхши хабардор. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг демократик, очиқлик ҳамда ошкоралик тамойилларига мувофиқ ўтиши ва сайловчиларнинг ўзларига муносиб номзодни танлашларига кенг имконият яратади.

Абу Шихада МАЙН, Ўмон Султонлигининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот бўлими ходими:

– Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Сайлов кампаниясининг илғор жиҳатларидан бири Президентликка номзодлар учун сайловолди ташвиқотини олиб боришда тенг имкониятлар яратилганидир. Буни оммавий ахборот воситаларидаги ташвиқот материаллари, кўчаларга ўрнатилган баннерлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Биринчи марта овоз берадиган фуқароларга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам диққатга сазовор. Ёшларни мамлакат сиёсий ҳаётига жалб қилиш барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистондаги Президент сайлови адолатли, очиқ ва демократик руҳда ўтишига ишонамиз.

Лейла ОРУЖОВА, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси:

– Ўзбекистон сайлов қонунчилигига кўра Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади. Сайлов тўғрисидаги қонунларда халқаро тажриба ва мамлакатингиз амалиёти ҳисобга олинган ҳолда, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялардан кузатувчилар, ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши мустаҳкамлангани юксак эътиборга лойиқ.

Ш.МАМАТУРОПОВА
ёзиб олди

ШҲТ КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш бўйича миссияси кузатувчилари 2016 йил 30 ноябрь куни мамлакатимизга келди. Унга ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов раҳбарлик қилмоқда.

ШҲТ миссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловига халқаро кузатувчилар таклиф этилишини уни демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора ўтказишга бўлган интилишнинг яққол ифодаси, деб баҳолайди.

Миссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Президент ва парламент сайловларида, референдумларда ШҲТ кузатувчилар миссияси тўғрисидаги низом асосида сиёсий бетарафлик ва давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Унинг таркибига ШҲТга аъзо давлатларнинг қонун чиқарувчи, ижро ва сайлов органлари, шунингдек, ШҲТ котибиятининг 20 нафар вакили киритилган. Улар ўз фаолияти давомида иложи борича кўпроқ сайлов участкаларига ташриф буюришни режалаштирмоқда.

Миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида учрашувлар ўтказади. Сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, халқаро ташкилотлар миссиялари аъзолари, хорижий мамлакатлар кузатувчилари билан мулоқотлар ўтказишни режалаштирган.

ШҲТда сайловларни кузатиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Бу борада ташкилотда 2004 йилдан буён 37 миссия шакллантирилган бўлиб, уларнинг 5 таси мамлакатимизда иш олиб борган.

* * *

Шу куни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ШҲТ кузатувчилар миссияси раҳбари Р.Алимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида миссия раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида амалга оширилаётган ишлар билан атрофлича таништирилди.

Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик ишлари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, очиқ ва ошкора олиб борилмоқда.

Б.БОЗОРОВ

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд вилоятидаги Иштихон педагогика ва тиббиёт касб-ҳунар коллежида "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда таълим тизими раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

• Сирдарё туманида ўтказилган ўқув-семинар "Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги" деб номланди. Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган семинарда корхона-ташкилотлар ва муассасалар вакиллари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар, касаба уюшмалари ходимлари иштирок этди.

• Бухорода "Ўзбекистон – умумий уйимиз" шиори остида республика дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ташкил этилган "Соғлом авлод тарбиясида миллатлараро тотувликнинг ўрни" мавзусидаги илмий-амалий семинарда вилоятдаги миллий маданият марказлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

• Жиззах вилоят мусиқали драма театрида "Олтин куз" халқаро санъат фестивали доирасида Тошкент шаҳридан ташриф буюрган Миллий эстрада оркестри ижросидаги мусиқий концерт дастури бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Буюк Британия ва АҚШ геофизиклари қатор квант-механик ҳисоблашлар ўтказишганидан сўнг, ернинг 400-500 километрлик остки қатламида жойлашган океанни аниқлашди. Геофизикларнинг таъкидлашича, мазкур сув ҳавзаси сайёрамизда рўй берадиган геологик ва иқлим ўзгаришларида муҳим рол ўйнайди.

• Етмиш йил давомида давлатни бошқаргандан сўнг вафот этган Таиланд қироли Пумилон Адульядет ўрнига мамлакат парламенти Маха Вачиралонгкорни янги қирол деб эълон қилди. Кейинги кунларда ҳукумат янги қиролнинг лавозимини қабул қилишини кутади.

• Бразилия олимлари қадимий ҳайвонларнинг фанга номаълум бўлган икки тури аниқланганини эълон қилди. Мутахассислар уларни динозаврларнинг аждоди деб ҳисобламоқда. Кашфиёт 2009-2010 йилларда мамлакат жанубидаги Риу-Гранди-ду-Сул штатидаги қазиш ишлари чоғида топилган суяклар реконструкцияси давомида қилинди. Жониворларнинг янги турларига "Buriolestes schultzi", "Ixalerpeton polisinensis" деган ном берилди. Олимларнинг тадқиқотларига кўра, улар 320 миллион йил аввал яшаган.

Сайлов – 2016

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида "Менинг овозим – Ватан келажагига дахлдор" мавзуида тарғибот тадбири ўтказилди.

МЕНИНГ ОВОЗИМ – ВАТАН КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОР

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигига 24 йил тўлиши муносабати билан Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори О.Муҳаммаджонов, Маънавият тарғибот маркази Мирзо Улуғбек тумани бўлими раҳбари М.Эронов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда замонавий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг қонуний асоси, диёримиздаги тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртимизнинг ривожланган давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлашди. Шунингдек, мамлакатимизда демократик талаблар ва халқаро стандартларга мос сайлов тизими шакллантирилганлиги, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш, фуқаролар, жумладан, ёшларнинг сайлов ҳуқуқларини тўла амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш борасидаги қонунчилик изчил такомиллаштирилганлиги ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди.

— Тадбир давомида сайлов қонунчилигининг мазмун-моҳияти, сайловларнинг жамиятимиз тараққиётидаги аҳамияти, сайловчилар ҳуқуқлари ва бошқа масалалар юзасидан саволларига жавоблар олдик, — дейди Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг 4-босқич талабаси Мурод Маъмуров. — Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиб, юртимиз келажаги учун овоз беришимдан фахрланаман. Мазкур сайловда иккинчи маротаба қатнашаман. Биз, ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллашимиз, истеъдод ва салоҳиятимизни кенг намоён этишимиз учун барча шароит яратилган. Сайловда шу эзгу ишларни изчил давом эттиришга бел боғлаган муносиб номзодга овоз бераман.

Жонли мулоқот тарзида ўтган тадбирда талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

ХИТОЙ ЭЛЧИСИ:

"ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ МАМЛАКАТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ЖАМИЯТ ЖИПСЛАШУВИНИНГ ЯҚҚОЛ МИСОЛИ БЎЛАДИ"

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ўзбекистонда шаклланган сайлов тизимига ва мамлакатимизда сайлов жараёнининг очиқлиги, ошкоралиги ҳамда шаффофлиги таъминланиши мақсадида кўрилаётган чора-тадбирларни Сиз қандай баҳолайсиз?

– Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларнинг изчиллик билан, босқичма-босқич модернизациялашуви туфайли замонавий сайлов тизими яратилди. У демократия андозаларига ва умумэътироф этилган халқаро меъёрларга тўла жавоб беради, фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишларининг ҳуқуқий кафолатини таъминлайди.

Сиёсий партияларнинг кенг кўламдаги ижтимоий-сиёсий фаолияти учун шароитлар яратиб берган кўппартиявийлик тамойили ҳамда қонунчиликка тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошкоралик асосидаги демократик сайловлар ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини таъминлайдиган мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши миллий сайлов тизимидаги энг муҳим ўзига хослик ҳисобланади. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат институтлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Улар фуқаролар сиёсий-ижтимоий фаоллиги ошишининг, аҳоли хоҳиш-иродаси ҳамда фикрларини ифодалашнинг ишчан омиллари бўлиб қолди.

Шуниси ҳам эътиборга сазоворки, халқ ҳокимияти асослари мустаҳкамланиши йўлида республикангизнинг сайлов тизими халқаро андозаларга мувофиқ равишда такомиллашмоқда ва ислоҳ этилаяпти. Ишончим комилки, олдинда турган сайловлар Ўзбекистон сайлов тизими самарали эканлиги ҳамда демократияга таянганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

– Сайловларга тайёргарлик жараёни ва олиб борилаётган ташкилий, ташвиқот ишлари хусусидаги фикрларингиз билан ҳам ўртоқлашишингизни сўрар эдик...

– Ҳозирги кунда сайлов кампанияси ўзининг якуний босқичига чиқди. Халқаро жамоатчилик бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарликни диққат билан кузатмоқда. Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини ҳаётга татбиқ қилиш доирасида турли даражадаги сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш менга мамнуният бағишлайди.

Биз олий давлат раҳбари лавозимига номзодларнинг ташвиқот ишлари қонунийлик, шаффофлик, очиқлик ва теңлик асосида ўтаётганини юқори баҳолаймиз. Мамлакатда сайловчилар ўртасида фаол ахборот-тарғибот ишлари ҳаётга татбиқ этилаётир, сайлов куни овоз бериш жараёнларини онлайн тарзда кузатиш мумкин бўлган ягона компьютер тизими яратилди.

Сайлов жараёнларида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар вакилларининг кузатувчи сифатида қатнашиши сайлов шаффофлигининг ошишига хизмат қилади ҳамда унинг халқаро андозаларга мослигини намоён этади. Биз сайловга тайёргарликнинг юқори ташкилий даражада ўтаётгани ҳамда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо қилингани юзасидан халқаро кузатувчилар миссияси томонидан билдирилган фикрларга тўла қўшиламиз.

– Президент сайловидан кейинги ҳафтада Ўзбекистон халқи мамлакат Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигини нишонлайди. Кучли фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида Ўзбекистон Асосий Қонунининг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги фикрларингизни ҳам билдирсангиз.

– Ўзбекистон Конституцияси мамлакат мустақиллигининг ёркин рамзи, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда мустаҳкам ва муҳим ҳуқуқий асос бўлиб қолди.

Ўтган йиллар давомида Асосий Қонунда белгиланган қоидаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли Ўзбекистон замонавий кўп тармоқли иқтисодиётга эга бўлган, демократик янгиланишлар йўлида ишончи билан одимлаётган аҳолининг фаровонлигини таъминлаётган, барқарор ривожланаётган давлатга айланди. Энг муҳими, Конституцияда айнан фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида ўрин ажратилган. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ғояси қонунчилик асосида мустаҳкамланган. Мустақил Ўзбекистон тарихи Асосий Қонуннинг улкан салоҳиятини яққол тасдиқлайди. Конституция ҳамда унинг ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги пухта ўйланган тамойиллари Ўзбекистоннинг ёркин келажагига ишонч бағишлайди, дея қайд этиш мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу муҳим сана билан самимий табриклашни, унга янада улкан муваффақиятлар ҳамда фаровонлик тилашни истардим.

"Жаҳон" АА

Ўзбекистон халқи мустақиллик туфайли давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, яъни унинг ягона соҳибига айланди. Халқимиз истиқлол йилларида Олий Мажлис, маҳаллий Кенгашлар ҳамда Президент сайловларида фаол иштирок этиб, катта сиёсий-ҳуқуқий тажрибага эга бўлди. Маълумки, 2016 йилнинг 4 декабрида ўтадиган Ўзбекистон Президенти сайловида республикамизнинг фуқаролари ўзларининг конституциявий ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқини амалга оширадилар.

САЙЛОВ – МАМЛАКАТ СИЁСИЙ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунчилик изчил ва босқичма-босқич такомиллаштириб борилди. Ўз навбатида демократик сайловлар ўтказиш бўйича тўпланган миллий тажрибага таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилди. Хусусан, мазкур Қонунда қуйидаги янги қоидалар ўз ифодасини топди:

Аввалambор, Қонуннинг 24^2-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзоси сони жами сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизидан бир фоизга камайтирилди. Ваҳоланки, муқаддам сайловчиларнинг 1 миллионга яқин имзоси тўпланган бўлса, янги қоида сайловчилар имзоси сонини 200 мингтагача камайтирди.

Қонуннинг 28-модда 1-бандига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти тушунчаси мустаҳкамланиб, сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият сайловолди ташвиқоти ҳисобланади.

28-модданинг 2-бандига асосан, қонун билан сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

28^1-моддада сайловолди ташвиқотининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Қонуннинг алоҳида моддаси киритилиб, сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари мустаҳкамлаб қўйилди. Сайловолди ташвиқотининг турларига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш киради.

Омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод тўғрисидаги роликларни жойлаштириш сайловолди ташвиқотини олиб бориш шакллари ҳисобланади.

Сайловолди ташвиқотини олиб бориш усулларига оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (интернет тармоғи) орқали (28^2-модда), босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали (28^3-модда), сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш (28^4-модда) киради.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларидан ҳам фойдаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 7-моддасида овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланиши кўзда тутилган қоида киритилган.

Қонуннинг эътиборли жиҳатидан яна бири қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкинлиги кўзда тутилган. (10, 11, 23-моддалар). Бу қамоқда сақлаш жойларида бўлган, лекин ҳали суд ҳукми чиқмаган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан амалда қўлланиладиган чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар бериш қоидаси белгиланди. Бу "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ келади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг "Овоз бериш ва сайлов якунларини чиқариш тартиби" деб номланган V бобининг 30-моддасида овоз бериш сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилиши, овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида ўн кун олдин хабардор қилиши белгиланган.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчиларнинг эркин хоҳиш билдиришининг сир сақланишини таъминлаш, бинолар-жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин эди. Қонуннинг ушбу қоидаси муддатидан олдин овоз бериш вақтини, шунингдек, тартиб-таомилини кўзда тутмасди. Шу муносабат билан муддатидан олдин овоз беришнинг қуйидаги тартиби белгиланди, яъни:

– муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади;

– муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади;

– муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза талаб қилинади;

– сайловчига сайлов варақаси участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида берилади;

– сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади;

– тўлдирилган сайлов варақасини сайловчи ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг ҳамда сайловчининг имзолари қўйилади.

Ушбу қоидалар муддатидан олдин овоз беришнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг камида икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

Қонуннинг 32-моддасида овоз беришни ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра:

– овоз берувчилар сайлов бюллетенларини яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирадилар;

– бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади;

– бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссиясининг аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли;

– сайловчи сайлов бюллетенига ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (плюс) қўяди.

– сайловчи тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

Жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми ва халқаро жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлган Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги янги қоидаларининг амалга оширилиши сайлов эркинлиги принципини таъминлаш, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштириш, Президентликка номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда тенг шароитларни таъминлаш самарадорлигини ошириш ҳамда Президент сайловининг очиқлиги ва шаффофлиги принципларини мустаҳкамлашда ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятининг ўсишида ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Дарҳақиқат, Президент сайлови фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсган, юртимизда осуда ҳаёт муҳитида барқарор иқтисодий ривожланиш ҳамда аҳоли турмуш даражаси ошган шароитда бўлиб ўтади. Ўз келажагига бефарқ бўлмаган, ўзлигини англаган фуқаро сайловда фаол иштирок этиб, Ватанининг истиқболига ўз овозини бериш орқали жамиятнинг равнақига ўз ҳиссасини қўшади.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
юридик фанлари доктори

"PRESS KLUB: Saylov.uz – 2016" ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича "Press klub: Saylov.uz – 2016" пресс-клубининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, сайловни кузатиш учун мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар, етакчи экспертлар, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, "UzReport" ахборот агентлиги бош директори Р.Жўраев ва бошқалар жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотларнинг кўзгуси эканини, уни очиқ ва ошкора, халқаро стандартлар даражасида ташкил қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида мамлакатимиз аҳолиси ва халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиб боришда оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссияларини матбуот марказларида журналистлар учун зарур шароитлар яратилган. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссияларининг мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда. Бундан ташқари, комиссиялар томонидан оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнини ёритишига кўмаклашиш, журналистларнинг бу борадаги билим ва кўникмасини янада мустаҳкамлаш, тажрибасини ошириш мақсадида туркум семинарлар, анжуманлар ташкил этилмоқда.

Сайлов кампаниясида иштирок этаётган миллий ва хорижий ОАВ вакиллари учун халқаро стандартларга мос қулай инфратузилма ва шароитлар яратиш, интерфаол медиа майдони барпо этиш ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнини ёритишда холислик, ошкоралик ва тезкорликни таъминлаш, халқаро кузатувчилар, экспертлар ва медиа соҳа вакилларини мамлакатимизда эришилган ютуқлар билан таништириш мақсадида Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, "Uzbekistan Today" ахборот агентлиги, "Mening Yurtim", "Uzreport-TV" телеканаллари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизда илк бор "Press klub: Saylov.uz – 2016" пресс-клуби ташкил этилди.

Пресс-клуб ўз мультимедиа майдонида хорижий ва миллий медиа соҳа вакилларини бирлаштиради. Бу ерда IT-технология, дизайн ва мультимедиа соҳасидаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланилган, юқори тезликдаги интернет ва Wi-Fi алоқаси, компьютерлар, принтерлар, телефонлар ва бошқа кўп функцияли қурилмалар ўрнатилган. Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси студиялари ва мамлакатимиздаги 10 ҳудудий нодавлат телестудиялар билан онлайн боғланиш, алоҳида узатувчи телестанция ўрнатиладиган Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази билан бевосита онлайн алоқа йўлга қўйилган.

– Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича катта тажриба тўпланган, – дейди "Синхуа" ахборот агентлиги мухбири Ша Дати (Хитой). – Бунга сайлов кампанияси давомида гувоҳ бўлмоқдамиз. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари томонидан матбуот анжуманлари ва брифинглар онлайн тарзида ташкил этилаётгани барча ҳудудлардаги сайловчиларнинг фаоллиги ошишига, муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёнидан тўлақонли хабардор бўлишига имконият яратмоқда. Мазкур пресс-клубнинг очилиши журналистларнинг Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараён ҳақида янада кенгроқ ахборот олиши ва сайлов кампаниясини самарали ёритишида муҳим аҳамият касб этади.

Пресс-клубнинг самарали фаолият олиб бориши учун сиёсий партиялар, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро кузатувчилар иштирокида брифинглар, матбуот анжуманлари ва туркум тадбирлар ташкил этилади.

Пресс-клуб дастуридан халқаро кузатувчилар ва хорижий ОАВ вакилларини Ўзбекистоннинг анъанавий маданияти ва санъати билан таништиришга қаратилган маданий тадбирлар ҳам ўрин олган.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор, – дейди "The Daily Ittihad" газетаси мухбири Муҳаммад Аббосхон (Покистон). – Бунга Самарқанд ва Бухоро вилоятларида сайловчилар билан ўтказилган учрашувларни кузатиш жараёнида гувоҳ бўлдик. Аксарият сайловчилар Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, улардаги устувор йўналишлардан яхши хабардор. Бу мамлакатингизда мазкур сиёсий жараёнга ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилганидан далолат беради.

Тадбирда мамлакатимизда сайловни ёритувчи оммавий ахборот воситаларининг замонавий асосда фаолият юритиши учун барча шароит яратилгани, бундай лойиҳалар хорижий кузатувчилар ва ОАВ вакилларини бўлажак сайлов жараёни, шунингдек, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти билан таништиришда алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилди.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

4 декабрь — сайлов куни

ИЖТИМОИЙ КЎМАК – ТАШАББУСКОРЛИККА ЙЎЛ ОЧАДИ

Юртимизда саноқли кунлардан сўнг ҳаётимиздаги энг муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ушбу кунга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Айниқса бу жараён Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатган партиялар ўртасида жуда қизғин кечмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувлари юқори фаолликда ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хатамжон Кетмоновнинг ишончли вакили Хайдар Бабахановнинг Бектемир, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Олмазор ҳамда Миробод туманларидаги сайловчилар билан учрашувлари ҳам фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Учрашувларда корхона, ташкилотлар ходимлари, маҳаллалар оқсоқоллари ҳамда партия фаоллари иштирок этдилар.

Ишончли вакил Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод – Хатамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастури билан йиғилганларни таништирар экан, унда аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қатъий амал қилингани, миллий манфаатларга содиқлик, мамлакат мустақиллигини асраш ва мустаҳкамлаш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш, миллатлараро ҳамжиҳатлик, ижтимоий барқарорликни сақлаш орқали Ўзбекистоннинг бош стратегик мақсади – ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга қаратилган эзгу мақсадлар мужассамлигини айтиб ўтди.

Кўтаринки руҳда ўтган учрашувларда сайловчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Мен, шифокор сифатида, аввало, номзоднинг дастурида илгари сурилаётган аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш масалаларига эътибор қаратишингизни хоҳлардим, — деди Шайхонтоҳур туманидаги 44-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Муқаддасхон Раҳматиллаева. — Номзод томонидан, аҳолининг, айниқса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш, имтиёзли ва бепул асосда малакали тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назорат самарадорлигини ошириш юзасидан илгари сурилаётган таклифини жуда ўринли деб биламан.

— Ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқлар, эришилган муваффақиятлар юртдошларимизни қанчалик қувонтирса, амалга оширилаётган режалар уларни янада ғайратшижоат билан ишлашга чорлайди, — деди Юнусобод туманидаги "Оқтепа" маҳалла фуқаролари йиғини раиси Нуриддин Жалолов. — Мустақил юртимизда жамият ҳаётининг барча соҳалари изчил янгиланиб, аввало, одамларнинг турмуш даражасини яхшилаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмонов ҳам ўз Сайловолди дастурида эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш, ижтимоий таъминот тизимларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратган.

Номзод томонидан нафақалар ва моддий ёрдам асосан эҳтиёжманд оилалар, қариялар ва болалар учун тақсимланишини таъминлаш каби аниқ таклифлар берилмоқда. Яъни, алоҳида эътибор ва ғамхўрликка, парваришга муҳтож қатлам – пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар ва аҳолининг меҳнат қила олмайдиган бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг янада самарали тизимини ривожлантириш зарур деб ҳисоблайди.

Барчамиз яхши биламизки, маҳалла миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни асрлар оша авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирадиган маскандир. У азалдан тинчлик-тотувлик, меҳр-мурувват, ҳамжиҳатлик кўрғони ҳисобланган.

Таъкидлаш жоизки, номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган яна бир асосий мақсад маҳаллаларга чуқур кириб бориш, аҳолини ўйлантираётган масалалар мониторингини ташкил этиб, уларни вакиллик органлари орқали ўз жойида ҳал этишдан иборатдир.

— Бугунги кунда мамлакат тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири, шубҳасиз, аҳоли бандлигининг таъминланганлик даражаси ҳисобланади, — дейди Олмазор туманидаги "Акмал Зиё" хусусий корхонаси раҳбари Акмал Инагамов. – Зеро, одамларнинг муносиб ишга эга бўлиши жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаб, аҳолининг истеъмол қувватини оширади, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириб, уларнинг бунёдкорлик ишларидаги иштирокига кенг йўл очади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Хатамжон Кетмонов ўз Сайловолди дастурида энг аввало, мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган мақсадли чораларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни янада такомиллаштириш зарур деб ҳисоблайди.

Энг аввало, муносиб иш ҳақи тўланадиган, барқарор иш ўринларини яратаётган корхоналарда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш зарурлигини илгари сурмоқда.

Номзод мустақиллик йилларида эришилган натижаларни юқори баҳолайди ва мамлакатимизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятидан аҳолининг барча қатламлари турмуш даражасини яхшилаш мақсадида фойдаланган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритишни фаол қўллаб-қувватлашни мақсад қилган.

Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалар ҳозирги кунда жуда долзарб ҳисобланади ва мен номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлайман, дея ўз сўзини якунлади А.Инагамов.

Учрашувларда сўзга чиққанлар сайловчиларни Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловолди кампаниясида республикамизнинг барча ҳудуди қатори пойтахтликлар ҳам катта қизиқиш ва фаоллик билан иштирок этишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг "Адолат – ҳаётимизнинг бош мезони" ғоясига таянган Сайловолди дастури адолатли фуқаролик жамияти қуриш, кучли ва адолатли суд ҳокимияти устуворлигини таъминлаш, мамлакатда экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, ёшлар ва аёллар, коллеж битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш, "рақобат – мумкин қадар, давлат бошқаруви – зарурат қадар" каби мамлакат келажагини белгиловчи муҳим тамойил ҳамда масалаларни қамраб олганлиги билан сайловчиларни бефарқ қолдирмаяпти.

Айни кунларда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакили – Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази директори Неъматилла Муҳаммедовнинг пойтахт аҳолиси билан учрашувлари сермазмун ва қизиқарли ўтди.

Хусусан, Тошкент Тиббиёт академиясида ўтказилган учрашувда сайловчилар Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Президентликка номзод Н.Умаровнинг Сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

— Тиббиёт соҳаси вакили бўлганлигим боис, маърузада тиббиёт йўналишида белгиланган вазифалар менга жуда маъқул бўлди, — деди Тошкент Тиббиёт академияси ўқитувчиси Нодирахон Абдураҳмонова. — Жумладан, дастурда белгиланган аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтириш, дори воситаларининг ноқонуний айланиши, қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари сотилишининг олдини олиш каби масалаларни қўллаб-қувватлайман.

Айниқса, дастурда соғлиқни сақлаш тизимида долзарб саналган масала — оғир беморлар соғлигини тиклашда ҳамда жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳаёт кечиришида трансплантология соҳасини янада ривожлантиришга эътибор қаратилганлиги жуда муҳим ҳисобланади.

Республикамизда ушбу соҳани янада ривожлантириш йўлида хорижнинг етук тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик ўрнатиш, бу борадаги ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш орқали беморларни юртимиздаги замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган шифохоналарда даволашга эришамиз. Шу билан бирга, хорижлик етакчи врачларнинг Ўзбекистоннинг тиббий муассасаларида жарроҳлик операцияларини ўтказиш амалиётини кенгайтиришга, уларни доимий асосда ишга таклиф қилиш орқали миллий мутахассисларимизнинг малакасини оширишга имкон туғилади. Бу эса беморларнинг чет элда узоқ ва машаққатли даволаниш харажатларини анчага қисқартиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Сергели туман бўлимида бўлиб ўтган учрашувда ҳам Ўзбекистон "Адолат" СДПдан Президентликка номзод Н.Умаровнинг Сайловолди дастури сайловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Номзоднинг Сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти ва устувор йўналишлари, шунингдек, унда илгари сурилган ғоя ва вазифалар барчага бирдек манзур бўлмоқда, — дейди тумандаги 277-мактаб ўқитувчиси Дилфуза Раҳимова. — Мазкур дастурнинг Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги дастурий мақсад ва вазифаларига асосланиши менинг эътиборимни жалб этди.

Бундан ташқари, меҳнат ресурсларининг иш берувчи ва бозор талабларига тезроқ мослашишига кўмаклашиш мақсадида қисқа муддатли ўқув курсларини ташкиллаштирувчи давлат ва нодавлат касб таълими тизимини янада ривожлантиришни бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган самарали йўл, деб ўйлайман. Чунки, ушбу турдаги таълим ёшларга ҳам тезкор, ҳам ишдан узилмаган ҳолда касб-ҳунар эгаллашга, уларни меҳнат бозори эҳтиёжига қараб касбга қайта йўналтиришга ҳамда қўшимча ишга эга бўлишига ёрдам беради.

Учрашувда партия фаоллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, пойтахтимиз сайловчиларини шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга ҳамда Наримон Умаровга овоз беришга даъват этдилар.

Ўзбекистон "Адолат"
социал-демократик партияси
Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик ва бевоситаликни, суд қарорларининг аҳоли учун тарбиявий аҳамиятини таъминлаш, фуқароларнинг судга бўлган ишончи ва ҳурматини ошириш, иш юритишнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини амалга оширишда сайёр суд мажлисларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик ишларини кўришда сайёр суд мажлислари ишнинг ҳақиқий ҳолатларини заруратга қараб низоли жойда бевосита суд томонидан аниқлаш, бинони ёки мулкнинг ҳолатини кўздан кечириш, соғлигининг ҳолатига кўра ёки бошқа узрли сабабларга кўра суд муҳокамасида иштирок эта олмайдиган шахсларнинг бевосита суд мажлисида иштирокини таъминлаш мақсадида ўтказиб келинади.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди томонидан ўтган 2015 йилда ишларни кўришда 211 та сайёр суд мажлислари ўтказилган бўлса, жорий 2016 йилнинг 9 ойида жойларда 200 га яқин сайёр суд мажлислари ташкиллаштирилди.

Бироқ, бугунги кунда оила муносабатларини мустаҳкамлаш ва никоҳдан ажратиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан сайёр суд мажлислари имкониятларидан кенг фойдаланиш тақозо этилмоқда.

Чунки, оила муқаддас, мўътабар макон. Оила эзгу орзу-умидлар шаклланадиган, юксак мақсадлар юзага келадиган, у билан инсон ўзининг энг бахтиёр онларини боғлайдиган, замирида ўз ўтмишини англаб, келажагини тасаввур қиладиган, ўзини тўлақонли шахс сифатида англаб, тарбия оладиган даргоҳ ҳисобланади.

Зеро, оилани асраб-авайлаш, бутунлигини таъминлаш, юзага келадиган айрим тушунмовчиликларни келишув йўли билан ҳал қилиш, яқинларга, қариндошларга меҳр, очиқ кўнгиллик билан муомалада бўлиш, айниқса фарзандлар келажагига масъулият билан ёндашиш бизнинг қонимизга сингиб кетган олий қадриятларимиздир.

Оиланинг жамиятдаги юксак мақомини, унинг шаъни, қадр-қиммати ва дахлсизлигини инобатга олган ҳолда оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар, хусусан, никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик ишларини кўришда оиланинг бузилишига бошқа шахсларнинг (қайнона, қайнота) бевосита аралашуви сабаб бўлган ҳолатларда, суд мажлисларининг тарбиявий таъсирини янада ошириш, оилаларда юзага келаётган турли келишмовчиликларни маҳалла фаоллари иштирокида бартараф этиш мақсадида тарафларнинг розилиги асосида ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш амалиётини йўлга қўйиш давр талаби бўлмоқда.

Ушбу масала юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг 2016 йил 4 октябрдаги №01-1822/16-сонли кўрсатма хати ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 20 октябрдаги 947-сонли қарори сайёр суд мажлислари ўтказишнинг муҳимлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди томонидан сайёр суд мажлисларини жамоатчилик иштирокида ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, бу борада алоҳида режа ишлаб чиқилди.

Зеро, суд ўз қарори билан низоли ҳолатни ҳал қилиши, тарафлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қонун нуқтаи назаридан ўз муносабатини билдириши мумкин. Лекин судларда кўриладиган айниқса оилавий тусдаги низолар, хусусан, никоҳдан ажратиш ёки мерос низоларига оид ишлар бўйича эр-хотин, ака-ука, отабола ёки қуда-анда ўртасидаги низоли ҳолатларнинг асл илдизига назар ташлаб, муносабатларни йўлга қўйишда, маҳалла фаолларининг, жамоатчиликнинг иштироки, фикри ва таъсири аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, жамоатчилик аъзолари сайёр суд мажлисларидаги иштироки орқали судда кўрилаётган аризанинг қонуний ечимидан хабардор бўлиб, мурожаат мазмунига нисбатан ўзининг тўғри фикрини шакллантиради, фуқароларда келгусида низоли ҳолатлар юзага келган тақдирда ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш бўйича ишонч ва эҳтиёж юзага келади. Бу эса фуқароларда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Биргина жорий йилнинг 19 октябрь кунидан бошлаб бугунги кунга қадар Мирзо Улуғбек туманининг 8 та маҳалласида ("Оққўрғон", "Юзработ", М.Исмоилий, "Авайхон", Алишер Навоий, "Аҳиллик", "Катта Яланғоч-ота", "Азамат") 30 дан ортиқ фуқаролик ишлари сайёр суд мажлисларида кўрилди.

Сайёр суд мажлисларини ўтказиш юзасидан туман ҳокимлиги, прокуратура, ИИБ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ушбу ҳамкорлик ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Шунингдек, сайёр суд мажлисларида судьялар томонидан қонунчиликка киритилаётган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида тушунтиришлар бериб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ 48-50-сон Фармонининг мазмун-моҳиятини аҳоли ва кенг жамоатчиликка етказиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Зеро, юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичи экан, судларнинг фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга бевосита суд ишларини юритишда қулайликлар туғдириш борасидаги фаолияти ҳам зарурат ҳам бурчдир.

Шерзод РАЖАБОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туманлараро
суди раиси



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

"Тошкент иссиқлик маркази" АЖнинг асосий иш фаолияти пойтахт аҳолисини иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлашдан иборат. Жамиятда 1253 киши хизмат қилади. Касаба уюшма қўмитаси ўз ишини аввалдан тасдиқланган режа асосида амалга оширади. Корхонада меҳнат қонунчилигига риоя қилинишида касаба уюшма аъзоларининг ҳимоясини ўз назоратига олган.

Касаба уюшма қўмитаси корхонада норматив ҳужжатларни келишув асосида ишлаб чиқишда, иш вақти, меҳнат муҳофазаси, мукофотлаш, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишлари, ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларининг дам олишини ташкил қилиш каби тадбирларда фаол иштирок этади.

"Инсонга наф келтириш – олий бахт" шиори остида эрталаб ишга келган ишчиларимизнинг меҳнат муҳофазасини таъминлаб, кечқурун уйларига соғ-саломат боришларини олдимизга биринчи вазифа қилиб қўйганмиз.

Иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш технологияси мураккаб ва хавфли бўлиб, юқори иссиқлик, катта босим ва юқори электр кучланишда ишловчи улкан ускуналарда ишлашдан иборат. Шунинг учун ходимларнинг касб тайёргарлиги иш берувчи билан бир қаторда касаба уюшма қўмитасининг диққат марказида туради.

Йил бошидан ҳар ойда бир маротаба "Меҳнат муҳофазаси куни" ўтказилади.

Корхонамизда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлимида тўртта мутахассис фаолият юритади. Ишчи-ходимлар баҳор-куз, қиш, ёзги иш кийимлари билан таъминланган. Корхонамизда 10 та тиббий шохобча бўлиб, тиббиёт ҳамширалари ишчиларимизга хизмат кўрсатади. 12 та меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бурчаги ташкил этилган.

Ишчи-ходимларимиздан 157 нафари касб маҳоратларини ошириш мақсадида ўқиб, малакаларини ошириб келдилар. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимиз самараси туфайли охирги беш йилда корхонамизда бирорта бахтсиз ҳодиса рўй бермади. Корхонамизда яхши шароит нафақат унумли ишлаш учун, балки меҳнаткашларимизнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун яратилган.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида корхонамизда "Тинчлик – энг азиз неъмат" мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Ишчи-ходимларнинг фарзандларига алоҳида эътибор қаратилиб, турли мавзуларда танловлар, "Зангори олов" болалар соғломлаштириш оромгоҳига йўлланмалар, шу қаторда бу йил биринчи синфга борган жажжи фарзандларимизнинг 58 нафарига 13-хил жамланмадан ташкил топган ўқув қуролари совға қилинди.

Жамоа шартномасининг бандларининг бажарилиши юзасидан 19 нафар ходимнинг 50 ёшга тўлгани муносабати билан мукофот берилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 33 кишига, даволаниш учун 32 кишига моддий ёрдам берилди. Корхонада камида 3 йил ишлаб яхши натижаларга эришган, олий ўқув юртига соҳа бўйича ўқишга кирган ишчи-ёшларимизни тўлов-контракт пулини 100 фоиз, ота-оналари шу корхонада хизмат қиладиган ишчи-хизматчиларнинг фарзандларини тўлов-контракт пулининг 50 фоизини корхона ҳисобидан тўлаш жамоа шартномаси бандларига киритилган. Ҳозирги кунда битта талабага 100 фоиз, иккита талабага 50 фоиз жами 9,950 млн. сўм ёрдам кўрсатилди.

Айни кунларда иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг асосий диққат эътибори ишчиларга иш жойида талаб даражасидаги шароит, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигига тўла риоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Келгусида ҳам иш берувчи билан ҳамкорликда корхонамиз меҳнаткашларига яхши имкониятлар яратишга ҳаракат қиламиз.

Фазлитдин ФАХРИТДИНОВ,
"Тошкент иссиқлик маркази"
АЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси





Баркамол авлод – келажагимиз



Мамлакатимизда икки ойлик "Ҳаракат хавфсизлиги тадбири" ўтказилмоқда

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва ҳукумати, шунингдек, ички ишлар вазирлиги томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига, жумладан, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда "Йўл ҳаракати қоидалари" талабларини фуқароларга етказиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Лекин шундай бўлишига қарамасдан йўлларимизда ҳамон йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг 10 ойи мобайнида республикамиз автомобиль йўлларида 8104 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Тўғри, бу рақамлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганида ҳодисалар сони 83 тага камайганлигини кўрсатади. Аммо, содир бўлаётган ҳар бир ҳодиса ортида инсон ҳаёти турганлигини тасаввур этадиган бўлсак уларнинг аянчли ҳолати яққол намоён бўлади.

Таҳлиллар республикамиз ҳудудида йўл–транспорт ҳодисаларининг сони юқори даражада қолаётганлигини ва уларни камайтириш учун йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда кескин чора ва тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда. Худди шу маънода "Соғлом она ва бола" деб номланган йилимизни талафотларсиз якунлаш, шунингдек, кириб келаётган янги йилни кўтаринки руҳда кутиб олиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудида кенг қамровли "Ҳаракат хавфсизлиги тадбири" ўтказиш режалаштирилди. Бу тадбир шу йилнинг 10 ноябридан бошланиб 2017 йилнинг 10 январь кунига қадар республиканинг барча ҳудудларида бирдек ўтказилади.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш, транспорт ва пиёдалар, жумладан болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора тадбирларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ва ушбу масалаларга кенг жамоатчиликнинг, турли ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг ҳамда оммавий ахборот воситаларининг эътиборини қаратиш мазкур тадбирнинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Албатта, биз бу каби тадбирларни йил давомида ҳам амалга ошириб борамиз, лекин афсуски, йўлларимизда ҳамон йўл-транспорт ҳодисалари рўй бермоқда. Унинг олдини олиш учун эса одамлар онгида йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш заруриятини шакллантириш даркор. Ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёда бўлишидан қатъий назар ўзининг ва атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини англаши зарур.

Бундан ташқари, ҳар бир ҳаракат иштирокчисини маданиятли бўлишга ўргатиш, маданият тушунчасини тўлалигича англаб етадиган ҳаракат иштирокчисига айлантириш бизнинг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Тадбир давомида йўлларда содир этилаётган қоидабузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш мақсадида ДЙХХХ ходимлари томонидан махсус рейдлар, текширувлар ўтказилаяпти. Республикамизда ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги кўп йиллардан бери ўтказилади. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, ушбу ойлик давомида қоидабузарлик ва йўл-транспорт ҳодисалари сони кескин камаяди. Демак, барчамизнинг шу муаммога бўлган эътиборимиз кучайганда, бахтсиз ҳодисалар камаяр экан. Шунинг учун ҳам ойлик давомида кенг жамоатчилик эътиборини мазкур муаммога қаратишга ҳаракат қилинмоқда.

Жумладан, худди шу масалалар ва бу муаммоларни ечиш масалалари тадбир ўтказилиши муносабати билан республиканинг барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида ўтказиладиган йиғилишларда кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, зарур вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирга ички ишлар идораларидан, ДЙХХХдан, шунингдек, турли идора ва ташкилотлардан, жумладан, ҳокимликлардан, маҳалла жамғармаси, халқ таълими тизимларидан ходимлар жалб этилди.

Қоидабузарликларни аниқлаш ва ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус гуруҳлар ташкил этилиб улар томонидан доимий равишда рейдлар ўтказилмоқда.

Ўтказилган рейдлар мобайнида аниқланган пиёдалар қоидабузарликлари фармойиш талабларидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, қоидабузарларга нисбатан кескин чоралар кўриш мақсадида меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ўқув муассасаларида муҳокама қилинмоқда.

Олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар албатта ўзининг ижобий натижаларини бериши аниқ.

Биз ҳаракат иштирокчилари йўлларимизда содир бўлаётган турли ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг вазифаси, деб билмасликларини истардик. Чунки, ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз. Уйдан кўчага чиқдингизми, сиз йўл ҳаракати иштирокчисига айландингиз. Демак, сиз учун белгиланган йўл ҳаракати қоидасига амал қилишингиз шарт ва зарур. Йўлда бир сонияга кечикиш ёки шошилиш ҳам инсон ҳаётига нуқта қўйиши ҳеч гап эмас. Ҳамон шундай экан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари номидан барча пиёдалар, ҳайдовчилар, йўловчилар ва айниқса, болаларни йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишга ҳамда "Ҳаракат хавфсизлиги тадбири"да фаол иштирок этишга чақирамиз. Чунки бу каби тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

А.СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ бўлим бошлиғи, подполковник

Сўранг, жавоб берамиз

Васиятномани бекор қилиш учун бирор сабаб бўлиши шартми. Ёки уни бекор қилиш учун меросхўрларнинг розилиги талаб этиладими?

З.Умарова, Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1120-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ: мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ёки ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Бунинг учун бирор бир кишининг, шу жумладан, бекор қилинадиган ёки ўзгартириладиган васиятномада меросхўрлар қилиб тайинланган шахсларнинг розилиги талаб қилинмайди.

Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига кўра: васият қилувчи аввалги васиятномани тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ҳақли.

Саида МАҚСУДОВА,
Яшнобод туманидаги 2-сон ДНИ нотариуси

* * *

Нотариал идораларда давлат тили қоидаларига қай тарзда риоя этилади. Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан бошқа тилда ҳам берилиши мумкинми. Бу қандай тартибда амалга оширилади?

Э.Юнусова, Миробод тумани

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонунининг 1-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Расмийлаштирилган ҳужжат матнининг фуқароларнинг талабига биноан нотариус ёки нотариал ҳаракатни амалга оширувчи шахс томонидан бошқа тилда ёки имкон бўлса бошқа мақбул тилда берилиши "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасида кўрсатилган. Агар мурожаат қилган шахс тушунмаган тилда бажарилган нотариал ҳаракатни олса, бундай ҳолларда нотариус ёки нотариус таниган таржимон томонидан таржима қилинади ҳамда ҳужжатга матнининг таржима қилинганлиги ва мазмуни нотариус томонидан тушунтирилганлиги ҳақида белги қўйилиб имзоланади.

Холида САИДОВА,
Сергели туманидаги 6-сон ДНИ нотариуси

* * *

Асосий иш жойимдан ташқари мутахассислигим бўйича бошқа ишга таклиф этишяпти. Бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби қандай?

С.Ўлмасов, Яккасарой тумани

Меҳнат қонунчилигига кўра, бир неча касб ва лавозимда ишлашга, ушбу ходим тегишли бўлган ходимлар тоифаси доирасида мутахассислиги жиҳатдан малакадаги мувофиқ бўлса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати бузилмаса рухсат берилади. Бюджет ташкилотлари ходимларининг бир неча касб ва лавозимда ишлаши иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Бунда ташкилотнинг ходими қўшимча ишни бажарадиган муддат, унинг мазмуни ва ҳажми иш берувчи томонидан ходимнинг ёзма розилиги бўйича белгиланади. Бир неча касб ва лавозимда ишлаш масаласи корхона раҳбари томонидан касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда ҳал этилади. Бир неча касб ва лавозимда ишлаш, ўзининг асосий иши билан биргаликда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун қўшимча ҳақ тўланади.

Ғолиб ЭШМОНОВ,
Яккасарой туманидаги 1-сон ДНИ нотариуси

* * *

Жиянимнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида унинг исмини ёзишдаги айрим хатоликларни тузаттириш учун нима қилсак бўлади? Эшитишимча, бунинг учун ФҲДЁ бўлимига маълум миқдордаги тўловни амалга ошириш керак экан. Шу тўғрими?

И.Илёсов, Юнусобод тумани

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд қилиш қоидалари"нинг 155-қисмига асосан: имло хатолари мавжуд бўлганида фуқаролик ҳолатлари далолатномаларига ўзгартириш киритилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 5-қисмига кўра: туғилганлик, никоҳ тузилганлиги, никоҳнинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги ва ўлим ҳақидаги ёзувларга ўзгартириш, тўлдириш, тузатиш киритиш ва қайта тиклаш муносабати билан гувоҳнома бериш учун белгиланган миқдорда давлат божи ундирилиши белгиланган.

Хусан КАЗАКБОЕВ,
Яшнобод туманидаги 6-сон ДНИ нотариуси

* * *

Кимлар ворислик ҳуқуқига эга. Уларнинг улушлари қонунда қандай белгиланади?

И.Жаҳонгиров, Бектемир тумани

Мерос олиш тартиби, унинг васият билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг "Ворислик ҳуқуқи" бўлимида акс этган. Унда қонун ва васият бўйича ворислик ўртасидаги фарқлар аниқ белгилаб қўйилган ва "мерос таркиби", "мероснинг очилиш жойи", "меросхўрлар" ҳамда бошқа масалалар ҳақида батафсил сўз юритилган. Ворислик навбатлари, шунингдек, нотариус томонидан меросга бўлган мулк ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома бериш тартиби ҳам белгилаб қўйилган.

Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига биноан: мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Беҳзод РЎЗИБЕКОВ,
Юнусобод туманидаги 12-сон ДНИ нотариуси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Xorazm ko`chmas mulk savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар Чилонзор филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 6 январь куни соат 11.00 да Тошкент ш., Чилонзор т., Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлараро судининг 16.05.2016 йил №1-2784/16-сонли ижро варақасига асосан қўзғатилган 21.07.2016 йил №23256-58/20/5-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек т. СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Меҳржон (Олдинги А.Қодиров) кўчаси, 3-уй, (турар жой) биноси, умумий майдони 380,0 кв.м, фойдали майдони 54,32 кв.м, яшаш майдони 42,02 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 120 000 000 сўм.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2017 йил 5 январь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Xorazm ko`chmas mulk savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар, Чилонзор филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000804935791001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302101629. www.xkmss.uz **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897 790-95-95.**

Лицензия 0054

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 апрелдаги 102-сонли ва 28 июндаги 215-сонли қарорлари ва "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ бошқарув қарори ҳамда "Тошкент трамвайи" УКнинг 2016 йил 22 ноябрдаги 751-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклари такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 57-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 19,7 минг кв.м, ер майдони 9,4263 га бўлган бино ва иншоотлар. **Бошланғич баҳоси – 25 596 052 427 сўм.**

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ кўчаси, 40-уй манзилида жойлашган умумий майдони 7,184 минг кв.м, ер майдони 2,1418 га бўлган бино ва иншоотлар. **Бошланғич баҳоси – 9 025 062 970 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 20 декабрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2016 йил 16 декабрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк 2016 йил 20 декабрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2017 йилнинг 5, 20 январь, 6, 22 февраль кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йилнинг 5 январдаги савдо учун 3 январь куни, 20 январдаги савдо учун 18 январь куни, 6 февралдаги савдо учун 3 февраль куни, 22 февралдаги савдо учун 20 февраль куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулкнинг тўлиқ тўловини амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖда 2016 йил 21 ноябрда бўлиб ўтган аукцион савдоси натижаси бўйича маълумот.

Жорий йилнинг 21 ноябрь куни "Тошкент трамвайи" УКга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Замон кўчаси, 86-уй манзилида жойлашган бино-иншоотларнинг аукцион савдолари бўлиб ўтди.

Бошланғич баҳоси – 2 167 412 205 сўм 90 тийин бўлган мазкур кўчмас мулк ўтказилган савдо натижаларига кўра – 2 275 000 000 сўмга сотиб олинди.

Тел.:228-84-48, 228-80-26.

Лицензия: 0001.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Тошкент шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси бўлиб ишлаб келган фахрий ҳуқуқшунос

Софья Галустовна ОРДУХАНОВАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **2 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 илиқ, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **2 декабрда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4637 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.15

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ